



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 29 ноябрь, №241 (3353)

Шанба


Ислом **КАРИМОВ:**

ҲАР БИР ИНСОН БУНЁДКОР БЎЛМОҒИ КЕРАК

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига айланди. Иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётимизда кечаётган ҳар бир янгиланиш бунёдкорлик ишларига бевосита боғлиқ.



Истиқлолнинг илк йиллариданоқ улуг бобларимиз маданий меросини қайта тиклашга, уларнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратган Юртбошимиз ташаббуси билан Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломаларимиз мангу кўним топган масканлар янгича қиёфа касб этди.



шимиз бағрига талпинди. Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Бу улкан иншоотда яратилган шароит билан қизикди. Унинг қишда қандай иситилиши, ёзнинг жазирасида қай йўсинда совитилиши ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

27 ноябрь куни мамлакатимиз раҳбари Гиждувоний хиёбонида, шундоқкина мақбара қаршида қад ростлаган беш юз ўринли спорт саройининг очилишида иштирок этди. Мухташам спорт саройига кириб борган Президентимизни спорт билан шуғулланаётган болалар қутиб олди. Курашчи болакайлар, гимнастикчи қизалоқлар Юртбо-

воний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан алломанинг мақбарамажмуида амалга оширилган ишлар билан танишар экан. Оллоҳ инсонни бунёдкор этиб яратган. Унинг дунёга келиши — бир бунёдкорликдир. Ота-она, мураббийлар, миллатнинг етук алломалари инсон онгининг меъмолари саналади. Тиббиёт ходимлари саломатлигимиз посбонларидир. Биз хайрли ишларимиз билан яхши ном бунёд этамиз. Демак, бунёдкорлик инсоннинг эзгу амалидир.

Бухорога саноат қурилиши билан бунёдкорлик янада кўпайиши лозим, деди Юртбошимиз. Чунки спорт инсонни наинки жисмонан, балки руҳан ҳам тетик, бардам қилади. Бошқача айтганда, инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятининг тақомиллашувига ёрдам беради.

Ушбу спорт саройи фойдаланишга топширилган, уч миң нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Воҳид **ЛУҚМОН**,
Илҳом **САФАР**,
Ўза **МУХРИБ**лари.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOV JANOBHI OLIYLARIGA

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Саудия Арабистони халқи, Хукумати ҳамда ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрик ва биродарона эзгу истакларимни изҳор этишдан гоятда мамнунман.

Қодир Аллоҳдан ушбу айёмда қут-бароқа, Сиз Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, биродар халқингизга бахт-саодат, ислом умматига эса шон-шухрат, юксалиш ва хурсандчилик ато этишини сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз

Икки муқаддас масжид ходими
Фахр бин Абдулазиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳи.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOV JANOBHI OLIYLARIGA

Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига сихат-саломатлик, бахт-саодат, қардош халқингиз ва ислом умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан

Мухаммад Ҳусни **МУБОРАК**,
Миср Араб
Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOV JANOBHI OLIYLARIGA

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Афғонистон халқи ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига ҳамда биродар Ўзбекистон халқини табриклашдан беҳад бахтиёрман.

Ушбу саодатли ва муборак айёмда Сиз Жаноби Олийларига ва қўшни Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва тараққиёт тилаш меннинг ягона орзуимдир.

Табригим ниҳоясида яна бир бор меннинг энг яхши тилак ва қизғин саломларимни қабул қилгайсиз.

Ҳамид **КАРЗАЙ**,
Афғонистон Ҳаёт Ислам
Давлати Раиси.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ISLOM KARIMOV JANOBHI OLIYLARIGA

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Муқаддас Рўза ҳайити муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, хайр-бароқа ва фаровонлик тилайман.

Илҳом **АЛИЕВ**,
Озарбайжон Республикаси Президенти.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилган тибб ислохотлар сабаб мамлакатимизнинг аксарият қишлоқларида замонавий врачлик пунктлари барпо этилди. Жаҳон тиббиётидаги мутлақ янги тизим сифатида шакланган тез тиббий ёрдам марказлари миннатдор. Бугун минглаб йигит-қизлар таълим-тарбия олаётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари эса таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўла-

роқ вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда яна бир улкан бунёдкорлик ҳаракатини бошлаб берди. Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, кураш заллари бунёд этилмоқда.

Аслида ҳар бир инсон бунёдкор бўлмоғи керак, дея лутф қилди Юртбошимиз Абдуллоҳлик Гижду-

воний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан алломанинг мақбарамажмуида амалга оширилган ишлар билан танишар экан. Оллоҳ инсонни бунёдкор этиб яратган. Унинг дунёга келиши — бир бунёдкорликдир. Ота-она, мураббийлар, миллатнинг етук алломалари инсон онгининг меъмолари саналади. Тиббиёт ходимлари саломатлигимиз посбонларидир. Биз хайрли ишларимиз билан яхши ном бунёд этамиз. Демак, бунёдкорлик инсоннинг эзгу амалидир.

27 ноябрь куни мамлакатимиз раҳбари Гиждувоний хиёбонида, шундоқкина мақбара қаршида қад ростлаган беш юз ўринли спорт саройининг очилишида иштирок этди.

Мухташам спорт саройига кириб борган Президентимизни спорт билан шуғулланаётган болалар қутиб олди. Курашчи болакайлар, гимнастикчи қизалоқлар Юртбо-

Солиқ академиясида Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан шу мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов, Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, Олий ҳўжалик суди суди низолари бўйича судлов хайъати раисининг

«Конституция — адолат, Ватан, халқ манфаатининг кафолати»

ўринбосари К. Убайдуллаев ва бошқалар Конституция-мизнинг ҳаётда тугган ўрни ва аҳамиятига доир маърузалар қилдилар ҳамда қўмитасини ҳар бир фуқаронинг, айниқса, талаба-ёшларнинг ҳаёт дастурига айлантириш

га, уларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган амалий таъсиллар ишлаб чиқилди. Йиғилишда академикнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этишди.

Зарифа **МУҲИДДИН** қизи.

Хушxabар

Умиджон ишончни оқлади

Россиянинг Суздаль шаҳрида дунёнинг 28 мамлакат вакиллари иштирок этган 7-Жаҳон чемпионатида Ўзбек ўғлонининг қўлини қайирадан рақиб топилмади. Армрестлинг спорт бўйича 80 килограммлик вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Умиджон Аҳмедов рақиблар

нинг барчаси устидан ишончи галаба қозониб, Бутунжаҳон Армрестлинг федерациясининг олтин медали билан тақдирланди. Жаҳон биринчилиги мусобақалари якунида жинззахлик спортчи шарафига яна бир бор Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Ўтган ҳафта Ватанига қайтиб келган жаҳон чемпиони — Умиджон Аҳмедовга Ўзбекистон Армрестлинг федерацияси ҳамда ҳукуматнинг эсдалик совгалари топширилди.

Бахриддин **САТТОРОВ**,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

Травматология ва ортопедияда янги технологиялар



"Шифокорлик — масъулиятли касб. Унинг асосий бўғинларидан бири бўлиши травматология ва ортопедия эса шу соҳа мутахассисларидан шер юракли бўлишини, нигоҳлари ўткир, қўллари эса ноқил ва чакқон характер қилиши лозимлигини талаб этади. У ҳар дам, ҳар қадамда факулда бўладиган ноҳус ҳолатларга тайёр туриши керак. Бу эса соҳа вакилларида ўта катта масъулият талаб этиши шубҳасиз".

Бу фикрларни республика травматолог-ортопедларининг кеча ўз ишини бошлаган VI съездида соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров алоҳида таъкидлади. Қизғин шундаки, анжуман кейинги ўн йил ичида биринчи бор ўтказилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бу давр ичида травматология ва ортопедия соҳаси йўналишида малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилди. Тиббиёт институтлари қошида махсус кафедралар, марказлар ташкил этилди. Ва ниҳоят, тўпланган бу ва бошқа тажрибаларни мамлакатимиз ташқарисидидаги ҳамкасблар билан алмашиш, улардан ўрганиш ва айни пайтда уларга ҳам ўргатиш вақти этди, чоғи. Травматолог-ортопедлар анжумани ишида чет эл ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган кўплаб йирик олимлар, тиббий ашёрлар ишлаб чиқарувчи машҳур фирмалар иштирок этмоқда.

Анжуманда "Ўзбекистонда травматология-ортопедия фанининг ҳолати ва истиқболлари" мавзусида илк маъруза қилган республика Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти директори, профессор Мирҳаким Азиев шу соҳа вакилларининг бугунги кунда олиб бораётган илмий ишлари, фан ва амалиётдаги ютуқлари, келажак режалари ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, анжуманда Йирик бўғимлар ва умуртқа хирургияси, Катталар травматологияси, Болалар травматологияси ва ортопедияси бўйича алоҳида шўбаларда фикр алмашулар, очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Умида **ФАЙЗИЕВА**,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

Маҳаллалар ободонлашмоқда

Жалолқудук туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги ўн иккита маҳаллани ободонлаштириш ишларига қарийб ярим миллион сўм маблағ сарфлади.

— Жорий йилда янги сув ва газ қувурлари ётқизилди, — деди ширкат хўжалиги раиси Абдуназар Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Маҳалла фуқаролар йиғини учун иккита янги бино барпо этилди, шунингдек, қолган маҳалла фуқаролик йиғинлари ҳам қайта таъмирдан чиққан хоналарга жойлашди. Бу йил қарийб 720 миллион сўм даромад олишни кўзлаямиз. Жамоамиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича шартнома режаларини ошириб бажарди.

Ҳамкорлик кенгайди

Бухорода ўтказилган халқаро семинар Марказий Осиё мамлакатлари ва Швейцария Қизил ярим ой ва Қизил хоч миллий жамиятларининг жорий йилдаги фаолияти сарҳисобига бағишланди.

Жамиятлар фаолияти тегишли дастурлар ишлаб чиқилган тўртта йўналиш бўйича олиб борилди. Булар инсонпарварлик ва тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш, минна хавфидан огоҳ этиш каби йўналишлардир. Бунинг учун асосий гуруҳлар бўйича модулар ишлаб чиқилди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзаро фикр алмашиш билан бирга силанин олдани олиш, табиатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича илгор усулларни ўрганишди.

«Туркистон-пресс».

Ибрат мактаби

О
Б
У
Н
А

Мен туман газетасининг муҳаррири сифатида "Халқ сўзи" газетасини вилоят, туман ва маҳаллий нашрлар учун ибрат мактаби, деб биламан. Унда кўтарилган мавзулар, қўйилган муаммолар қай даражада аҳамият касб этишига қараб, ўз-ўзидан туман газетасида ёритилиши лозим бўлган мавзуларнинг ҳам белгилаб беради. "Халқ сўзи"да чоп этилаётган мақолаларнинг салмоғи ва салоҳиятидан ўрнак ола оларимиз. Биз учун муҳим бўлган Президент фармонлари, парламент қонунлари, қонун

лойиҳаларини ҳам айнан мана шу газета орқали батафсил билди олишимиз мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, Қиёрой туманида "Халқ сўзи"нинг муштарийлари кўпчиликини ташкил этади. Бунинг кунгача обунчаларнинг сони 104 тага етди. Бу кўрсаткич йил якунигача 300 дан ошиши кўзда тутилмоқда.

Абдуҳамид **ФОЗИЛОВ**,
Қиёрой тумани,
«Давр овози» газетаси бош муҳаррири.

2
0
0
4

ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифа ва қондаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастурига мувофиқ Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан "Оммавий ахборот воситаларида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тақомиллаштириш" мавзусида соҳага ихтисослашган журналистлар учун навбатдаги давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди. Анжуманда Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев ва бошқа нотикларнинг маърузалари тинланди. Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тақомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис томонидан 1994 йил 6 майда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, 1997 йил 24 апрелда "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, 1997 йил 26 декабрда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, 2002 йил 12 декабрда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, соҳага оид қабул қилинган фармон ва қарорлар бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Республикаимизда 813

оммавий ахборот воситаси, жумладан, 562 та газета, 172 та журнал, тўртта ахборот агентлиги, 75 телерадиостудия ва кабель телестудияси эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларга келиб тушаётган аризаларга ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида юзага келган муаммоларни тезкорлик билан акс эттирадиган фойдали восита сифатида қараш лозим.

Йиғилишда суд-ҳуқуқ органлари ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайтириш мақсадида соҳага амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Анжуманда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У.Ҳошимов сўзга чиқди.

Бекҳод **НОРБОЕВ**,
Ўза мухбири.



Олий Мажлиснинг XIII сессияси олдидан

АНЖУМАН БИР СИНОВАДИР

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси
Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбат

— Ўткир ака, маълумки, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси мамлакат миқёсидаги энг йирик, энг нуфузли анжуман ҳисобланади. Айниқса, парламент қўмиталари, комиссиялари, партиялар, фракциялари ва блоklar учун ўзига хос имтиҳон саналади. Негаки, унда қонунлар лойиҳалари муҳокамадан ўтди, муайян давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Масалага шу нукта назардан ёндашса, Сиз раҳбарлик қилаётган қўмитанинг сўнгги икки сессия оралиғидаги фаолияти қандай кечди?

— Биз, аввало, бошқа қўмиталар томонидан тайёрланган ва сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланган айрим қонунлар лойиҳалари ва масалалар муҳокамада қатнашиб, таклиф-мулоҳазаларимизни билдирдик. Иккинчидан, шакланган аниқлаш мувофиқ, ўз йўналишимиз бўйича назорат-таҳлил ишларини давом эттирдик. Чунинчи, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун Фарғона вилоятида нечоғли ижро этилаётганини ўргандик. Шу жараёнда вилоят ҳокимлиги, матбуот бошқармаси, оммавий ахборот воситалари ижодий жамоалари соҳага оид қонун ҳужжатлари асосида иш юритяётганликларини маълум бўлди. Бугунга келиб вилоятда радиоэшитти-

ришлар ва телекўрсатувлар ҳажми тобора кенгайиб бормоқда. Мунтазам чиқиб турган 72 номдаги газетанинг барчаси офсет усулида газеталари, Ададнинг қўлпи, мазмун-савияси, матбаа сифати бўйича пойтахт нашрларидан қолишмайди.

Урганиш якулини қўмитамиз йўналишида атрофлича муҳокама қилинди. Эришилган муваффақиятлар журналистларнинг эркин-эмин ижод қилишлари учун зарур шароит яратиб берилётгани самараси эканлиги эътироф этилди. Шу билан бир қаторда, турли тахририятлар ходимларининг кўпчилиги бошқа соҳа мутахассисларидан иборатлиги боис малакали кадрларга эътиб қатталиги, радио-тележурналистлар етишмаслиги, «Фарғона ҳақиқати»да эса ёш таламқашлар йўқлиги афсус-ла тилга олинди. Ана шундай камчиликлар оқибатида бахсли, кескин ва холис танқидий чиқишлар қамайиб кетгани далиллар мисолида кўрсатиб ўтилди. Пировардида мажбур хато ва камчиликларни тузатишга доир тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасаддиларга етказилди.

— Дарвоқе, худди ўша кезлар водий матбуот ходимлари иштирокида минтакавий семинар ҳам ўтказган экансизлар...

— Ҳа! Унда тармоқда йи-

гилиб қолган муаммолар ўртага ташланди. Жумладан, тахририятларга юборилаётган хат-хабарлар, захматли меҳнат эвазига чоп этилаётган газета-журналлар эгаларига ўз вақтида етказиб берилмаётгани айтилди. Шундай бир вазиятда «Ўзбекистон почтаси» ва «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компаниялари келаси йилда матбуот нашрларини тарқатиш учун ҳозирга нисбатан 1,5-2 баравар кўп ҳақ талаб қилаётганликларини эслатилди. Депутатлар ишчи гуруҳи семинарда кўтарилган муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, масъул идораларга ахволини ўнглаш бўйича таклифлар киритди. Мана, илк самараси: «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясидан хат келди. Унда ушбу ташкилот ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, бир қатор нашрларни орбунчага етказиб бериш наҳини камайтиришга қарор қилгани таъкидланди.

Сентябрь ойи нихосида парламентнинг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси билан бирга Олий суд ҳамкорлигида ўтказган давра суҳбатимиз ҳам кўпчиликда кизиқиб уйғотди. У «Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари: ўзаро муносабатлар амалиёти ва истиқболлари» деб номланди. Қизгин баҳс-мунозаралар асосида ушбу икки

ҳокимият ўртасидаги ижобий алоқалар барқарорлашиб бораётганига қарамай, ҳамон баъзи англашилмовчиликлар мавжудлиги эътироф этилди. Уларнинг ечимига оид фикрлар билдирилди.

— Шу ўринда суҳбатимиз маззасига бевосита дахлдор яна бир савол: Олий Мажлис амалда йил — ўн икки ой тинимсиз ишлайди. Бироқ унинг фаолияти газеталарда, радио ва телевидениеда мунтазам ёритиб берилмайди. Ҳамкасбларимиз бу масалага асосан сессиялар арафасида жиддий эътибор қаратадилар. Шунда ҳам уларнинг чиқишлари кўпичинча бири-бирига ўхшаш ҳисоблардан иборат бўлиб қолади. Муаммолар ва камчиликлар тўғрисида деярли сўз юритилмайди. Сиз сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг кичик ишчи гуруҳ раҳбари, қолаверса, эл назаридаги адиб ва публицист сифатида бу ҳолни қандай ислоҳласиз?

— Адолат юзасидан айтганда, оммавий ахборот воситалари Олий Мажлис фаолиятини кўп ва кенг ёритмоқда. Айниқса, ҳар гал навбатдаги сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида «Халқ сўзи», «Народное слово» ва бошқа газе-

таларда, радио-телеканалларда мунтазам чиқишлар қилинапти. Айни чоғда, боғи галингида ҳам жон бор. Аслида дунёнинг саккизинчи мўъжизаси аталмиш адабиёт билан давр кўзгуси бўлиш матбуот бир-бирига жуда яқин ижод турлари ҳисобланади. Моҳиятан иккиси ҳам инсон маънавиятини бойитишга, тафаккурини ўстиришга йўналтирилган. Фақат фарқи шундаки, адабиётда бадий талқин биринчи ўринда туради, журналистикада эса тезкорлик ва таҳлил устулик қилади. Оммавий ахборот воситаси одамларда фикр уйғотуви, уларни воқеа-ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритишга, баҳс-мунозараларга чорловчи омилдир. Модомики, шундай экан, журналистларимиз касб маҳоратларини узлуксиз ошириб боришлари, фақат ахборот тўлаш тарқатиш билангина қифолланиб қолмай, уларни таҳлил ва тадқиқ этишлари, содда-равон тилда оммага етказиб беришлари мақсадга мувофиқдир. Шунда сиз айтган ҳолатлар барҳам топади. Олий Мажлис фаолиятига боғлиқ мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар янада кўпайиб, мазмун-савияси ҳар қачонгидан яхшиланади.

«Халқ сўзи» мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назолат УСМОНОВА).

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари дўстлигига бағишланган мусиқа кечаси бўлиб ўтди.

Мана, ўн йилдирки, ҳар йили корейс рассомлари кўргазмаси, фильмлар ҳафталиги ва санъаткорлар иштирокида мусиқа кечалари ўтказиш аниқлашга айланган.

ДЎСТАЛИК КЕЧАСИ

Дўст мамлакат санъаткорлари юртимизда ўтаётган «Шарқ тароналари», симфоник мусиқа фестивалларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Ўз навбатида республикамиз санъаткорлари Корея Республикасидаги нуфузли анжуманларда қатнашиб, миллий мусиқамиз довуруғини ёймоқда.

— Биз халқингизга корейс, ўзимизда эса ўзбек миллий санъатини таништириб, тарғиб этиб келямиз, — деди корейлик санъатшунос олим, Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги маданият ва санъат соҳасидаги аламинув бўйича ассоциация президенти Хан Мён Хи. — Барча эзгу саъй-ҳаракатимиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга қаратилган.

Мусиқа кечаси Ўзбекистон Давлат консерваторияси, мусиқа коллежлари, шунингдек, Самарқанд шахри маданият масканларида ҳам давом этади.

Тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ким Сонг Хван иштирок этди.

ФАН ВА ТЕХНИКА

янгиликлари

Экспедиция маҳсули

«Ўзбекистоннинг бадий хунармандчилиги атласи» босмадан чиқди. Бу нуфузли нашр Ўзбекистон Бадий академиясининг санъатшунослик институти олимлари томонидан олиб борилган илмий-экспедициялар натижаси сифатида юзага келди. Сурхондарё вилоятидаги энг гўзал ва сўлим кишлоқлардан бири бўлган Бойсун бўйлаб амалга оширилган илмий-экспедиция материаллари эса «Бойсун бадий хунармандчилиги ва фольклори марказлари атласи»да ўз аксини топади. Ушбу нашр санъатшунос, мусиқашунос ва театршунослар иштирокида амалга оширилди.

Сайёҳлик тижорати

Бухорода Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги сайёҳлик фирмалари, меҳмонхона ва рестороанлар вакиллари иштирокида «Тижорат этикаси. Бошқарув самардорлиги» мавзусида семинар ўтказилди. У АКШ Савдо вазирлиги томонидан молиялаштирилган «Самарали бошқарув» дастури кўмагида ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари уч кун мобайнида бизнеснинг асосий масала ва муаммоларини муҳокама қилдилар, — деди АКШ Савдо палатасининг Ўзбекистондаги ижрочи директори Т. Акунская. — Шунингдек, ушбу анжуманда хусусий сайёҳлик, меҳмонхона ва рестороан савдосини ривожлантиришга ёрдам берувчи лойиҳалар кўриб чиқилди.

Ижрочи директорнинг қайд этишича, навбатдаги семинар келаси йилнинг февраль ойида ўтказилиши режалаштирилган. Тадбир якунларига кўра иштирокчиларга сайёҳлик бизнесини самарали бошқариш бўйича сертификатлар топширилди.

Уяли телефон:

фойда ва зарар

Бристоль университети (Англия) олимлари яқинда галати тажриба устида иш бошлашди. Улар икки йил муддатга ичига шўр сув ва тегишли эритма солинган сунъий бошнинг қулоқ қисмига уяли телефонни боғлаб қўйишди. Олимлар шу орқали уяли инсон миёсига таъсирини очиб беришмоқчи. Ҳозирда олинган маълумотларга кўра, уяли телефон орқали 15 минутлар чамаси гаплашилган, мия ҳарорати бир даражага кўтарилиб кетар экан.

Тадқиқотчилар тажриба натижалари ҳафсиз мобил телефон стандартини яратишга асос бўлади, деб умид қилишмоқда.

Кислотасиз аккумулятор

Германиянинг Технология институти тадқиқотчилари аккумуляторнинг янги турини яратди. У шундай энгил ва ихчамки, ҳатто банкоматларнинг пластик қарточкасига жойлаштириш мумкин. Иштирокчилар унинг афзаллигини, аввало, атроф муҳитга ва инсонга безарарлигида, деб билмоқда.

Янги аккумуляторда кислота ўрнига махсус паста қўлланилган. Электрод вазифасини эса фольга (ялтироқ қоғоз) ўтади. Мазкур пластик қолчқа жойлаштирилган аккумуляторнинг илк намуналари ишлаб чиқарилди.

«Нобель — 2003» соҳиблари аниқланди

Бу йилги Нобель мукофотлари совриндорлари номлари эълон қилинди. Физика бўйича — А.Арикосов, В.Гинзбург, Э. Летгетта, кимё соҳасида — П.Агр ва Р. Маккиннонга хужайралар ва инсон организмидан ўртасида сув, туз алмашишуви механизмини ўрганганлик учун берилди. Тиббиёт соҳасида — П. Мэнсфильд ва П. Латербулллар магнитрезонанс томографиясидаги тадқиқотлари учун шундай юксак мукофот соҳиби бўлишди.

Кўпчиликни қизиқтирадиган адабиёт соҳасидаги мукофотга Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси Жозеф Кутзее лойиҳ, деб топилган.

Швеция академиясининг эътироф этишича, 63 ёшдаги Ж.Кутзее асарларига хос хусусият — яхши ўйлаб топилган композиция, бой диалоглар ва чуқур маънавий таҳлил экан. Айни пайтда у Фарб цивилизациясининг сунъий ахлоқларини аёвсиз танқид қилган.

Р. ЁРЛАҚБОВ тайёрлади.

Саломатлик посбонлари

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Шу боис ҳам Бекобод тумани соғлиқни сақлаш тизими ходимлари она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда туман марказий шифохонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, шифохона қошида барча қулайликларга эга туғруқхона ҳам қайта ишга туширилди. Ҳозирда бир вақтнинг ўзида 270 нафар беморнинг саломатлигини тиклаш учун барча қулайликлар яратилди.

СУРАТДА: ҳамшира Зулайхо ҲОЖИМИРЗАЕВА, Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Довон юксак — мақсад ягона

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси муҳокама-сига иқтисодий-тизимни эркинлаштиришга бағишланган бир қатор Қонун лойиҳалари қўйилмоқда. Шунга кўра, мухбиримиз Хўжайлидаги «Турон» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари Алишер СУЛТОНОВнинг фикрлари билан қизиқди.

— Мустақил мамлакатимиз юксак довод олдига турибди. Бу ўринда мен ҳар томонлама ривожланишнинг макроекономик муҳокамадан назарда тулмоқданам. АКШ, Япония ва бошқа илғор иқтисодиётли давлатлар ҳам бир ёки бир неча кунда ана шундай юксакликка эришган эмас. Бунинг учун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилган. Айнан бизда шу йўл билан, яъни, биринчи навбатда, иқтисодий эркинлаштиришнинг ҳуқуқий заминини — янги қонунлар яратилаётгани, иккинчидан мулкдорлар синфи шаклланиётгани нур устига нурдир.

Энг бақувват мулкдор ўз корхонасига эга бўлган

мулкдор ҳисобланади. Техаслик фермер ҳам, малайзиялик саноатчи ҳам ўзининг хусусий корхонасига эга. Масалага шу жиҳатдан қараганда, парламентимизнинг навбатдаги сессиясида «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқиши мўлжалланаётгани ҳаммамизни қувонтирди.

Мен лойиҳа билан танишиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу ҳужжат Қонун кучига кирса, сафимиздаги мулкдорлар сони бир неча бараварга ошади. Фикримча, лойиҳада хусусий корхона фаолиятига ноқонуний аралашувлар учун жавобгарликка оид қоидаларни янада кучайтириш керак.

Ноқонуний аралашувларнинг пайи қирқилмоқда. Аммо бу жараён янада чуқурлаша, айни мuddао бўлади.

Сессия муҳокама-сига «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳалари қўйилганлиги андозалар олаётганимиздан дарак беради. Барчамизнинг мақсадимиз битта — мустақил Ўзбекистонимиз тезроқ пешқадам мамлакатлар қаторинда ўрин олсин, халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин!

«Халқ сўзи» мухбири Янгибой КЎЧҚОРОВ ёзиб олди.



Заминимиз шарбатлари

«Кувазойконсерва» заводи Фарғона вилоятидаги иқтисоди бақувват корхоналар сирасига кирди. У ерда ишлаб чиқарилаётган турли мева ва सबзавот шарбатларининг ҳам довуруғи баланд. Айниқса, заводга чет эл сармоясини жалб этилиб, бу ерда «Delkons» қўшма корхонаси ташкил этилган, иш янада жонланиб кетди. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон-Америка-Италия» ҳамкорлиги меваси бўлган «Delkons»да ишлаб чиқарилаётган бир-биридан мазали, ширин «Maestro» шарбатлари, томат пасталари хорижликлар дастурхонини ҳам безамоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Шамсибону АБДУЖАЛИЛОВА.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Акс садо

Ўзбек халқи қадим маданияти, ўлмас обидалари ва бетакорр анъаналари билан дунё тамаддунига ўз хиссасини қўшиб келган. Айниқса, халқ анъаналари авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб бораверган. Назаримизда, кейинги йилларда урф бўлган, халқимиз томонидан қизгин кутиб олинган анъаналардан бири — Тил байрамидир.

Аслида, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинган кун — 21 октябрни Тил байрами тарзида нишонлаб келяпмиз. Тил байрами — ҳақиқий

халқ байрами, ўзбек халқининг ўзлигини намойиш этадиган байрам бўлиши, шубҳасиздир. Тўғри, Тил байрами арафасида ахли зиёли жонланиб қолади: газета-журналларда мақола-лар, радиоэшиттириш ва кўрсатувлар бериб борилади, деярли ҳар бир ташкилотда байрам тадбирлари ўтказилади. Шу билан аста-секин байрам тафти ҳам сўниб бораверади, тадбирларда кўтарилган муаммолар ўз ҳолича, ҳал этилмайдиган қолаверади. Чунки бу борада ҳам кампаниявозликка ўхшаш ҳолат ҳукм суради.

қурайлик: Тошга ёмғир қор қилурму мутасил ёққан (ёғган) билан, Давлатингиз кам бўлурму бир қиё боққан (боғган) билан. Буни қандай тушуноқ керак? Ахир бу адабий тилнинг йиллар давомидан шакланган, деярли барча ўзбеклар томонидан эътироф этилган, кўнмиқа ҳосил қилинган мева ёрларини бузиш эмасми! Бу борада ҳам мутахассис олимлар ўз фикрларини билдирганлари йўқ. Мақолада кўтарилган муаммолар бизни дадил ҳаракат қилишга,

рилиб талаффуз қилинади: *истакан, устол, устул, ишқаф, истанса* каби. XX асрнинг 30-йилларига қадар айни шу шаклда ёзиб ҳам келинган. Кейинчалик рус ёзувидаги ўтиш муносабати билан юқоридаги сўзлар тасвирий-этимологик принцип асосида *стакан, стол, стул, шкаф, станция* тарзида ёзила бошланди ва ўзбек адабий тилида ўзлашиб кетди. Эндилкида истакан шаклида қўллаш, назаримизда, бадий услубда ўзини оқлайди. Аммо бошқа услубларда *истакан* тарзида айтиш ва ёзиш мавжуд имло қоидаларимизга мос келмайди. Негаки, *истакан* шаклини қўллаш, яъни фонетик принцип асосида ёзиш жуда қўп қўллаш сўзларнинг ёзув шаклини бутунлай ўзгартириб, имлода тартибсизлик келтириб чиқариши мумкин. Рюмка, цирк сўзларининг ёзилиши хусусидаги фикрларга қўйиш мумкин. Чунки бу масала янги алифбобимизда деярли ҳал қилинган. Бинобарин, ўзбек лотин алифбосида *rutka, sirk* шаклида, талаффузга мувофиқ ёзилади.

Кискаси, миллатимиз қаҳрамони, она тилимизнинг ҳақиқий жонкуярининг мақоласи халқимиз юрагидан гапларини ифода этганлиги билан эътирофга сазовордир. Қани энди мана шундай мақолалар, фикр-мулоҳазалар газеталар-журналларда тез-тез босилиб, ахли зиёлининг баҳс-мунозарасига сабаб бўлса. Тил байрами аниқ тарзида ҳақиқий халқ байрамига айланса. Бу эса нафақат она тилимиз учун, балки барчамиз учун, эртанги кунимиз - истиқболимиз учун фойдали бўлур эди. Зеро, эртанги кун раванки бугунги кундаги саъй-ҳаракатимизга боғлиқ.

Равшан ЖОМОНОВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

ЖОНКУЯРЛИК ДОИМО ЗАРУР

Нега шундай бўлапти, бу ҳол қачонгача давом этади, деган савол мени доимо безовта қилиб келарди. «Халқ сўзи»нинг шу йил 21 октябрдаги сонида «Шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Она тили» мақоласини ўқиб чиқиб, кўнглим бир жиҳатдан таскин топган бўлса, бошқа томондан ушбу мақола жуда кўп мулоҳазаларга чорлади. Негаки, мазкур мақола қалбимиз кўрида, тилимиз учун асраб-ярган, лекин нималардан-дир истихоло қилиб айтолмай юрган даражамизни айтишга, азиз юртдошларимиз билан кенгашиб олишга даъват этди.

Сирасини айтганда, мақолада ниҳоятда долзарб масалалар кўтарилган. Унда, нафақат шоир нигоҳи, балки йирик сиёсат ва жамоат арбобининг нуктаи назари сезилди туради. Ута куюнчалик руҳида ёзилганлиги боис ушбу мақола ўзини ўзбек ҳисоблайдиган зиёлини ларзага солади, деб ўйлайман. Муаллифининг она тили борасида умуммиллий жонкуярлик тўғрисидаги фикрларини оқшаламоқ лозим. Негаки, кейинги пайтларда она тили билан фақатгина тилшунос, ёзувчи-шоирлар шугулли-

ланса бўлади, деган нотўғри қараш ва шу қараш натижасида шакланган қайфият ҳукм суриб келди. Аслида, она тилимизнинг раванки учун сиёсий-ҳуқуқий асос яратилган: «Давлат тили ҳақида» Қонун ва Конституцияимизнинг 4-моддаси бунга тўлиқ имкон беради. Ҳўш, унда асосий масала нимада? Гап шундаки, хали бизда она тилига муҳаббат тўғрулари мукамал тарзда шакланмаган, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизда тизим етишмайди. Ҳатто зиёлиларимиз орасида ўз нутқида бепарво, лоқайд қилишлар йўқ эмас. Хусусан, сўз қўллаш борасидаги эътиборсизлик кишини хайратга солади. Масалан, *област, район* сўзларини ишлатиш ҳам лисоний, ҳам сиёсий жиҳатдан хато эканлигини баъзида унутиб қўядилар. Ахир, Конституцияда аниқ ва равшан кўрсатиб қўйилгандек, республикамиз маъмурий-ҳудудий жиҳатдан вилоят, шаҳар, туманларга бўлинади-ку? Наҳотки, Асосий Қонунимизга хурмат бўлмас! Еки совет сўзининг ишлатилишини олиб қўрайлик. Бизнингча, ушбу сўз аллақачон ўз вазифасини ҳар томонлама ўтаб бўлди. Лекин, олий ўқув юр-

тининг домларари нутқида ханузга қадар совет сўзи учрайди. Тўғри, улар ушбу сўзини илмий кенгаши маъносиде қўллайдилар. Лекин барибир бу нарса фуқароларимизнинг сиёсий тафаккури, ижтимоий-сиёсий онги даражасидан дарак беради.

Маълумки, 1995 йилда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди. Мазкур қоидалар, кўрсатиб ўтилганидек, ўзбек лотин ёзувидаги ёзишмаларда амал қилади. Лекин унда ҳам баъзи бахсли ўринлар мавжуд. Масалан, 36-қоидадан 3-бандида куйидагилар кўрсатилган: «...в) қолган барча ҳолларда, сўз қандай товуш билан туғашидан ва бу қўшимчаларнинг бош товуши *к* ёки *қ* айтилишидан қатъи назар, *g* ёзилади: *bargga, pedagogga, bug'ga, sog'ga, og'gan, sig'guncha* каби». Демак, ҳозирга қадар оққан, сиқунча тарзида ёзиб келинган сўзлар энди *оган, ситгунча* шаклида, шевага хос талаффузда ёзилиши керак бўлади. Масалан, «оққан дарё оқавради» жумласини «оган дарё оқавради» деб ёзишни тасаввур қилиб кўринг. Еки қуйидаги мисраларни таққослаб

она тилимиз олдидаги масъулятимизни ҳар дақиқада эслаб туршга даъват этади, фикр олишга чорлайди. Шундан фойдаланиб мазкур мақолада тилга олинган баъзи фикр-мулоҳазаларни ўйлаб кўриш, илмий-назарий жиҳатдан асослашга тўғри келади. Масалан, *ут* ўчирувчи сўзи қўшма сўз шаклида бўлса-да, тилимизда аниқ айтдан бери қўлланилмайди, ўзлашиб кетган. Энди бунинг ўрнида *пожарник* сўзини асосий термин сифатида қўллаш ўзини оқлайди. Масалан, *ут* ўчирувчи сўзи қўшма сўз шаклида бўлса-да, тилимизда аниқ айтдан бери қўлланилмайди. Ут ўчирувчи сўз касб сифатида давлатчилигимиз тарихида бўлганми-йўқми, бунинг афти, албатта, текшириб кўриш лозим. Акс ҳолда *пожарник* сўзининг қабул қилиниши сўз ясалиши ва атамашуносликка ҳам қийинчилик келтириб чиқариши мумкин.

Яна бир мулоҳаза *стакан* сўзининг ёзилиши хусусида. Сўз бошида икки ундош товушининг ёнма-ён келиши ўзбекча сўзлар табии-тига зид ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бундай ўзлашмаларда сўз бошида битта унли ортти-



СУРАТДА: ҳамшира Зулайхо ҲОЖИМИРЗАЕВА, Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Миллий матбуот марказида ўзбек-афгон киноустулари томонидан суратга туширилган «Булуллар» бадиий фильми якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

«Булуллар»

Ушбу фильмда йигирма йилдан зиёд вақт оралигида жафокаш афгон халқи бошига тушган азобу кулфатлар, бемақсад-бесамара урушлар, хунрезликлар, толибонлар томонидан аёвсиз қийноқларга дучор этилган оддий халқ, хуллас, Афғонистон осмонидида қора булуллар ва ниҳоят... Озодлик насилининг елиши... Буларнинг барчаси асарда ўз аксини топган.

Шимолий Афғонистоннинг «Жайхунфильм» киностудиясида режиссёр Сиддик Обидий сценарийси асосида тайёрланган ушбу фильмда афғонистонлик санъаткорлар билан бир қаторда Камола Умархўжаева, Алишер Хамроев, Мухаммадjon Узоқов сингари ўзбек актёрларининг бош ролларни ижро этганликлари кувонарлидир.

«Булуллар» фильми премьераси тез кунларда Афғонистон ва Ўзбекистон киноэкранларида намойиш этилиши режалаштирилмоқда.

Мухтасар ИСОҚОВА, ЎЗМУ талабаси.

«Тез ёрдам» — дардга малҳам

Тезкор тиббий ёрдамни тиббиёт хизматининг кўзгусига қиёслаш мумкин. Унинг сифат даражасини ва тезкорлигини ошириш эса кўп ҳолларда мавжуд автотранспортларнинг қай даражада шайлигига боғлиқ.

Кўни кеча Навоий вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги тез тиббий ёрдам бўлимларида «УАЗ» типидagi 18 та маши-

на жўнатилди. Уларнинг аксарияти Қизилқум ҳудудидagi чорвадор туманларга йўл олди. Аҳоли оғирини енгил қилишга кўмаклашувчи машиналар «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобига харид қилинди. Бугина эмас, вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг «Тезкор тиббий

ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш йўлида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

«Ўздавархитектурилиш» кўмитаси республика танлов савдолари бошқармасининг СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
қўйидаги объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қўриб турилиши бўйича танлов савдолари эълон қилинади.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Сирдарё вилояти бошқармасининг Гулистон шаҳрида маъмурий биноси қурилиши.

Қурилишни тугаллаш муддати — 265 кун.
Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Сирдарё вилояти бошқармаси. Манзили: Гулистон шаҳри, С.Абдураҳмонов кўчаси, 7-уй. Телефон: 27-89-08.
Қурилиш ишлари Давлат божхона кўмитаси маблағдан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: ҳисоб рақамларида ёки заҳирада қурилиш материаллари объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишligи, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқатга эгалиги.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Сирдарё вилояти тендер бошқармасига сўровнома билан, эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида иш кунлари соат 9.00дан 18.00гача қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Телефон/факс: (8-3672) 27-64-84.

Тендер ҳужжатларининг бир нусخаси нархи — 60000 с.н.

Оферталар юқоридagi манзил бўйича қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охириги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган кўни ва соати. Комиссия йиғилиши эълон чоп этилгандан камида 30 кундан кейин юқоридagi кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Тошкентдаги Ҳиндустон элчихонаси

2003 йил 17 ноябрь кунидан бошлаб, қўйидаги манзилда жойлашган янги бинога кўчиб ўтганини маълум қилади:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қора булоқ (Собиқ Ваҳш) кўчаси, 15/16.
Янги телефон рақамларимиз: 120-49-96, 120-49-97, 120-49-98, факс: 120-49-99
(Мўлжал — Ўзбекистон Миллий банки спорт мажмуаси орқасида).

«ХИМОЯ»

ҲУҚУҚИЙ МАРКАСИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай ҳужалик низолари;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- чет эл ваколатхоналари аккредитацияси;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- уй-жой фондини нотурааржойга ўтказиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекати).
Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бўзоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

Улгуржи харидорлар ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 31 октябрдаги кўрсатмасига биноан шу йил 2-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Ўзқўргазмасавдо» жамияти биносида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпоийабзали», «Ўзбек ипаги» уюшмалари корхоналари ҳамда Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тармоқлари томонидан 2004 йилда ишлаб чиқариладиган



Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-10-25.

кўйим-кечаклар, пойабзал, чарм-ақторлик, газлама, чипчи буюмлар, пинамлар, спорт моллари ва бошқа халқ истеъмолчи товарларига



республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш

улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага барча енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НУКУС ШАҲРИДА СПОРТ МАЖМУАСИ — МАНЕЖНИ ТАЙЁР ҲОЛДА (ПОД КЛЮЧ) ҚУРИШ УЧУН танлов савдолари (тендер) ўтказилади.

Ишларни тугаллаш муддати — 2004 йил IV-чорак.
Буюртмачи — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қошидаги спорт иншоотлари ва мажмуаларини қуриш дирекцияси.

Қурилиш ишлари марказлаштирилган (бюджет) ҳамда жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этувчи корхона ва ташкилотлар танлов савдосига қўйилган предметиинг 20 фоизи қийматига тенг бўлган айланма маблағга эга бўлиши шарт ёки банк ташкилотининг ушбу маблағни қоплаши ҳақидаги кафолат хати бўлиши керак. Шу билан бирга бу ҳажмдаги ишни бажариши учун ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига эга бўлиши ҳамда шунга ўхшаш объектларни қуришда иш тажрибасига, шартнома тузиш учун юридик ҳуқуққа ёки ишонч қозонганга эга бўлиши лозим.

Танлов савдоси ҳужжатларини олиш учун танлов ташкилотчисига ёзма ҳолда қўйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 742000, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси қошидаги пудрат савдоларини ташкил этиш бўйича ҳужалик ҳисобидаги республика бошқармаси. Телефон: (8-3612) 22-74-12.

Оферталарни қўриб чиқиш эълон чоп этилгандан 30 кун ўтиши билан амалга оширилади.

ЯНГИ ЙИЛЛИК БЕПУЛ УЛАНИШ

2003 йил 1 декабрдан 2004 йил 15 январгача

БИР «СЕВИМЛИ РАҚАМ» ХИЗМАТИ 1 МАРТГАЧА МИЖОЗ ТЎЛОВИСИЗ

2004

СОНИЯ

Хаммаси ҳақиқатан ҳам bepул!

БЕПУЛ ЭФИР ВАҚТИ

Тел.: 180 00 00, 181 00 00, 182 00 00.

Хизматлар лицензияланган

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси ҳайъати ва маъмурияти ҳайъат аъзоси Аҳдум Шадманова ойнас **Киргиз ЭСОНОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» наشريети жамоаси биринчи тоифали муҳаррир Юлдаз Парриевани турмуш ўрғони **Озоджон ПАРНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

«O'zagrosug'urta» давлат акциядорлик сургурта компанияси жамоаси Хоразм вилояти дирекцияси директори Атажон Матязовга акаси **РЕИМБОЙ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йуллари» ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюмаси марказий кўмитаси Қарши-Термиз минтақавий темирйўл узели бошлигининг ўринбосари Отабек Раҳимовга ўғли **ҲАМИД**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ изҳор этади.

Швейцариядан ikku баробар катта

Майдоннинг катталиги буйича Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани мамлакатимизда биринчи ўринни эгаллайди. Унинг майдони 76 минг квадрат километр бўлиб, Ўзбекистоннинг салкам 17 фоизини ташкил этади. Туман мамлакатимиз шимолида жойлашган бўлиб бутун Устюрт ясси тоғлигини эгаллаган. Қўнғирот тумани ҳудудига 10 та Наманган, 12 та Хоразм, 15 та Сирдарё ва 18 та Андижон вилоятини সিғдириш мумкин. Туман майдони бир қатор Европа мамлакатлари, хусусан, Швейцария ва Нидерландиядан 2, Бельгия ва Албаниядан 2,5 марта каттадир.



Минорларда ажодлар кўли — Такрорланмас санъат яшайди.

Дунё аҳли дол айлағувчи, Гузаллигу ҳайрат яшайди.

Соғлиқ кунда керак

ҲОЗИҚ ТАБИБ ДЕМИШКИ...

Кимки иссиқ ҳаммомга кириб, бошидан қайноқ сув қувверса, кўзига зарар қилади. Аммо сут сиғирдан соғиб олинган пайтда қанчалик иссиқ бўлса, шу даража иссиқликдаги сувни бошдан қуйиш эса мияга фойда беради ва мия қатигининг зиёда бўлишига кўмак беради, бош суякларига ҳам фойдалидир.

Сўқротнинг айтишича, киши қовурилган гўшт еб, орқасидан сув ичса, ошқозоннинг заифлашувиға сабаб бўлади ва таом ҳазм бўлиши қийинлашади. Кимки овқат еб, дарҳол уйқуга кетса, уйғонган, ўзини жуда оғир ҳис қилади ва меъда ичи фасод билан тўлади. Ҳар ким кунда озроқ микдорда майиб еб юрса, балғамий йўтал йўқолади, майиб бадандаги сафрони қувади, эсда қолиш қобилияти яхшиланади боради.

Биласизми?

Мамлакатимиз кишлоқ туманлари орасида Тошкент вилоятининг Тошкент тумани аҳоли зичлиги буйича энг юқори ўринни эгаллайди. Пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган мазкур ҳудудда ҳар бир квадрат километр майдонда 767 киши тўрига келади. Бу эса ўртача республика кўрсаткичиға нисбатан салкам 14 марта кўп.

Навоий вилоятининг Томди тумани — ҳудуд бўйлаб аҳоли энг сиёрак жойлашган минтақа бўлиб, бу ерда аҳоли зичлиги ўртача ҳар бир квадрат километрга 0,58 кишини ташкил этади ёки ҳар кишиға 171 гектардан кўпроқ ер майдони тўри келади.

Самарқанд вилояти Ургут тумани аҳоли сони буйича мамлакат маъмурий-ҳудудий биқликлари орасида энг олдинги ўринни эгаллайди. У ерда 335 минг киши истиқомат қилади.

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани эса, аксинча аҳолиси энг кам ҳудуд ҳисобланади. У ерда бор-йўғи 14 минг киши яшайди. Туман аҳолисининг 3/4 қисми Қоровулбозор шаҳрида яшайди.

Аҳоли сони буйича республикаимизда энг кичик шаҳар — Жиззах вилоятининг Маржонбулоқ шаҳридир. У ерда 4 мингга яқин киши истиқомат қилади.

Сейидфозил ҚОДИРОВ, иқтисод фанлари номзоди.

CURUNG

— Худойберди ака, англисмасам, 3-4 йилдан бери каттароқ асарингизға кўзимиз тўшмади?..

— Яхши эйтибор қилибсиз, раҳмат. Узингиз биласиз, ёзувчи деганлар эрталабдан кечгача, йил — ўн икки ой тўтовисиз ёздаган одам дегани эмас. Ёзиш-ёзмалик кўпроқ унинг кайфиятиға боғлиқ нарса. Катта бир асарни ёзиб тугатсангиз, оғир юкдан халос бўлгандай кайфият туғилади. Танафус қилиш истаги уйғонади. Бу сафар ана шу танафус чўзилиброқ кетди, чамамда. Қолаверса, турли масъулиятли вазифалар ҳам қаламни кўлга олишимға халақит бери. Мана, Худого шукр, бир-икки йилдан бунга ана қалам кўлимда. Замонамиз қаҳрамонини яратиш борасида бир-икки уринишлар қилдим. Улардан бири "Хуришда" номли кўп қисмли видеофильм бўлди. Менга, "Ўзбектеlevision"ға келган мактублардан, учрашувларда айтилган фикрлардан хулоса қилиб, бу фильм халқимизға манзур бўлибди, деб айта олам.

— Фильми мириқиб томоша қилдик. Аммо биласизми, қатор ҳажвий асарларингиз орқали сиз бизни кулгига ўргатиб қўйгансиз. Шу босдан фильмдан ҳам кулгилар эпизодлар куттишға ҳаққи элик.

— Янги замонавий мавзудаги "Йиллаётган фермерлар" романини яқунлаш арафасидан, сиз айтган

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ўзининг "Қасоскорнинг олтин боши", "Беш болали йигитча", "Қовунлар мамлақатида", "Мунгли кўзлар" каби қатор китоблари билан машҳур. Айниқса, адиб "Сарик девни миниб" романи билан халқимизни дунё китобхоналириға таништиргани тахсинға лойиқ. Шу билан бирға сеvimли ёзувчимиз фельетончилик

нарсалар шу асарда бор. Асарда фолжиялар билан қувноқлик ёнма-ён юради. Бугун сир эмас, фермерлар-

ларингиз кўлиға етиб бориб, сеvimли асарларингиз қаторидан ўрин олсин. Худойберди ака, сизни фелье-

соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, ўзига хос мактаб яратган.

Айни кунларда Худойберди аканинг нималар билан машғуллиги кўпчилик ўқувчиларимизни ҳам қизиқтирса керак, деган ниётда ёзувчиға бир неча саволлар билан мувожабат қилдик.

келтирганидек, фельетон одамнинг кўнглидаги қирларни олиб ташлайди, жамиятнинг об-ҳавосини янги-

ФЕЛЬЕТОН Бўладиган ҚАХРАМОН ЙўКМИ? Ёзадиган

дан жуда кўпдаб шиқоят хатлари келмоқда. Адлия вакилларининг кўпчилиги, ҳўжалик судларининг ҳамма ходимлари ана шу шиқоятни ижобий ҳал қилишға, фермерлар ҳўқуқини ҳимоя қилишға сафарбар этилган. Нега? Чунки замон-зайлани тушунмаган айрим раҳбарларимиз фермерлар ишиға тўғаноқ бўлмоқдалар. Романда мана шу каби муаммолар, янгилик ва эскилик ўрталарида зиддиятлар гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин оҳангларда ҳўқоя қилинади.

Шунингдек, энг сеvimли — ҳажжи китобхоналарини ҳам унутганим йўқ. Уларни кулгига бой "Миллионер бўлган бола" номли китобим билан хурсанд қилиш ҳаракатидаман.

— Жуда катта ишларингиз бошида экансиз, ижодингизға барака берсин. Ҳамма китобларингиз тезроқ ўқувчи-

лар устаси сифатида ҳам яхши биламиз. Ҳозирги кунда газета-журналларимизда фельетон деган нарсани топиб ўқий, анқонинг уруғини қилириш билан баробар бўлиб қолди. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Фельетон бўладиган муаммолар йўқми ёки фельетон ёздаган жасур ижодкорларимиз қолмади?

—Жамиятда фельетонға ҳамиша мавзу топилади. Бугунги кунимиз кечги кунга нисбатан илғорроқ. Бугундан орқанда қолаётган кечги одамлар фельетон учун озуқа бўлади. Фельетон ҳар қандай жамиятнинг шиқоқори ҳисобланади. Жамиятнинг қаерида дарди бор, касали бор аниқлайди, бардада айтди, уларнинг авж олиб кетмаслиги, жамият инқирозига юз тутмаслигининг олдини олиб, уни даволайди. Фельетонни мен темирчининг ўчоғига ҳўшатаман. Бу ўчоқ занглаб қолган темирни соф ҳўлатта

лаб туради. Баъзи одамлар фельетончини уриб ташлови одам ҳисоблашади. Йўқ. Фельетончи, "Ҳов ўртоқ, палон-палон камчиликларға йўл қўйлинг, тузат, бўлмаса оқибати ёмон бўлади", деб оғоҳлантирувчи одам. Биринчи саволингизға жавобимни мухтасар қиладиган бўлсам, кишилик жамияти бор экан, фельетон бу жамиятнинг энг керакли шиқоқори бўлиб қолаверади.

Саволингизнинг иккинчи қисмиға жавоб беришдан олдин, фельетон нима деган нарсаса диққатини қаратайлик. Фельетоннинг энг биринчи элементи кулги — сатира ва юмор ҳисобланади. Одамни кулдиришининг ўзи ниҳоятда оғир иш эканлигини биласиз. Энди аниқ бир корхона, ёки инсонни қаламга олиб туриб кулдириш, ўн марта оғир юмуш. Ўзи, республикамизда ҳажвичилар санокди. Демак, фельетон ёза-

диган одамлар ундан ҳам кам деган хулоса келишимиз мумкин. Бу — бир томони. Иккинчи томондан, фельетон бўлган шахс, фельетон чоп этилган, бутун бошли кўшнинг тўплайди. Таниш-билишлари, ошна-оғайнлари, қариндош-уруғлари ва ҳўқозо қўшинининг асосини ташкил қилади. Пуллари, бойликлари ишиға тушади. Фельетончи эса, қоғоз-қалами билан чаккансини қайлашганча майдонда ёлғиз қолади. Ҳатто айрим тахририятлар, "Ёздингми, жавобини ҳам ўзинг бер!" қабилида гаплар айтишиб,

майдондан чиқиб кетишади. Фельетон жамият шиқоқори экан, демак, давлат фельетончининг сунячини бўлиши керак. Муҳарририятлар ҳам фельетончини босиб чиқаришми, то бир тўхтамага келгунча муаллиф билан ёнма-ён туриши, масъулиятни елкасига олиши лозим. Ана шунда фельетончининг қуни туғди. Унинг қуни туғди, ўз манфаатини юрт манфаатидан устун қўювчилар, порахўр, иккиюзламачи ва жамият ривожланишиға тўсиқ бўлаётган жамияти салбий ҳўлатларға кескин кураш бошланади. Фельетончи жамиятга салбий ҳўлатларни кўрсатиб бериувчи ойнаға, давлатнинг энг чаққон ва керакли хизматқорига айланади. Кўрсатиб ўтилган ноҳуш ҳўлатлар бартараф этилсини, жамият ўз-ўзидан тараққийта юз туғайди.

Сухбатдош Саид АНВАР.

Назмий Муолажалар

Ҳар кишикам кўзига суртса пиёнинг сувиши, Шиллигу шайқурликдан асрағай доим уни.

Сутға анжирни солиб, қайнатиб ичган замон, Ким йўтал бўлса, йўталдан қолмағай зарра нишон.

Лавлагини гар киши қайнатиб пора қилур, Сувидан олиб, сочини ювса кўп қора қилур.

Гар саримсоқ пишириб, турп уруги бирла киши Еса, буйрак тошидан бўлмас унинг ҳеч ташвиши.

Ҳар хотин-қиз қора қилмоқ истаса гар қошини, Эчки ёғини сурқасин у ҳеч қотирмай бошини.

Сен зигирни куйдириб тутунини буршингни тут, У тумовни йўқотиб, дардини қилар тездеа унут.

Саид ОЛИМ тайёрлади.

Хушхабар

Ҳожибой Тожибоев — «Жаҳон кулгиси»да эътироф этилди



Францияда англис тилида чоп этиладиган нуфузли «DE ART» журналининг янги сонида «Жаҳон кулгиси» номли салмокчи мақола босилган. Унда Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларнинг кулги санъати ҳақида кенгроқ маълумотлар берилган. Мақолада таъкидланганидек, Европа юморида кўпроқ қўшимча нарсаларға эътибор берилади. Масалан, англис, француз ва даниялик ҳажвичилар ўз санъатларини турли ўйинлар орқали намойиш этадилар. Немис қизқичлари эса саҳнаға соқолсиз чиқмайдилар. Чунки улар учун соқоли йўқ қизқичи қизқичи эмас. Бу аjoyиб санъатни Гурбес Алан ва Дашикт Шитоседай машҳур кулги усталари бошлаб берганлар. Италия қизқичлари эса саҳнаға ҳеч қачон масқасиз чиқмайди. Бунга машҳур санъаткорлар Департио Гено асос солган. Мақолада рус қизқичлик санъатини Аркадий Райкин, Юрий Никулин сингари кулги усталари юксак поғоналарға кўтарганлари баён этилган. Осиё қизқичлик санъати ҳам ўз анъаналари, услублари ва машҳур ижодкорларига эға эканлиги мақолада алоҳида мисолларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек асия ва қизқичлик

санъати ҳақида маълумотлар ҳам ушбу мақолада кенг ёритилган бўлиб, машҳур кулги даргалари Юсуфжон қизик Шакаржонов ва Ҳожибой Тожибоев ижодиға юксак баҳо берилган. Уларнинг асия ва қизқичлик санъатимизни ривожлантиришға қўшган муносиб ҳиссалари мамнуният билан эътироф этилган.

Дарҳақиқат, миллий қизқичлик санъатимиз ривожига Ҳожибой Тожибоев узоқ йиллардан бунга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Унинг ўзига хос репертуари ва ижро услуби бор. У ҳеч кимни такрорламайди ва ҳеч кимға тақлид қилмайди. Устоз Незмат Аминов ибораси билан айтганда: «Ҳожибой кулмайди (баъзан тишининг оқи «тўти бурут»лари орасидан кўришиб қилади), лекин томошабинлари гурра-гурра кулдиради». Кулдириш эса осон эмас. Ҳожибой Тожибоевнинг кулгисидан сохталик, ясамалик йўқ. Одамларни қитқилаб, баҳана қилиқлар қилиб кулдиришға мутлақо ҳаракат қилмайди.

— Инсоннинг ҳаётини, турмуш тарзини кулгисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Ҳожибой Тожибоев. — Ҳар бир ҳаракатимизда, қилиқларимизда, гап-сўзларимизда кулги бор. Қизқичи ана шу кулгини

Камбағал, лекин тартибли, камсукум ва дилқаш оилада тарбия топан бу қизға ҳар қандай йигитнинг ҳаваси келарди. Юзидаги фариштадек беғуборлик ва лабида доимо жияваланувчи ним табассум ўғаларини янада жалб этарди. Атрофдагилар у тўғрида доим бир гапни такрорлашарди: «Хотинликка ундан яхшисини топиш амримаҳол».

Уша пайтда тақши ишлар вазириликда, йиллик даромади уч ярим минг франкдан иборат лавозимда хизмат қилувчи жаноб Лантэн бу қиз билан танишиб оила қуришни тақлиф этди ва тез орада ўйланиб ҳам олди. У хотини билан жуда-жуда бахтли ҳис этарди ўзини. Авли рўзгорни шундай оқилона юртар, эриға шунчалар ғамхўр, меҳрибон эдики, Лантэн орадан беш-олти йил ўтиб, уни янада кўпроқ яхши кўра бошлади. Аммо, у хотинидаги биргина нарсани — театрга ва ясама театрочоқларға бўлган қизиқини унчалик ҳўшламади, холос.

Хотинининг яқин дўғоналаридан бири орқали нуқул замонавий пьесаларға, ҳатто премьераларға билетлар топиб келар ва эридан у билан бирға боришини сўрар эди. Табиийки Лантэн жанобларига ишдан кейин театрға-театр юриш малол келарди. Шу боис хотинидан бунана тадбирларға бир дўғонаси билан боришини сўрарди.

Хотини энди бошқача ясантусанға ўргана бошлади. Тўғри у доим дид билан, айни пайтда жуда одми кийнариди. Фақат, у энди ясама бриллиант кўзли узук, сирға, сохта маржон, биланқузук тақшиға одатланиб олганди. Бу эса эриға ёкмаганлигидан қўпинча насиҳат қилган бўларди:

Жаҳон адабиёти дурдоналари

— Азизим, кадр-қимматни бундай сохта зебу зийнатлар билан ўлчанмайди. Одам ҳамиша бундай нарсалардан юқори турмоғи лозим.

Бунга жавобан хотини жилмайиб шундай деди: — Сенинг

лади. Шунда у марҳум хотинининг "ялтир-юлтир"ларини сотишға қарор қилди. Ясама бўлса ҳам нозик ишланган, 6-8 франкка олар, деган ўйда аввалиға узун шодали маржонни олиб заргарлик дўконига бор-

минг франк оралиғида баҳолаш мумкин. Уни сотиб оламан, фақат белгиланган қондаға кўра у қўлингизға қандай қилиб ўтиб қолганлигини изохлаб берсангиз бўлди, — деб қолди.

— Нималар деяпсиз.. Ишончингиз қимми? — ҳайратдан

ҚАДР. ҚИММАТ

Ҳикоя

Ги Де МОПАСАН

ҳақлигини жуда яхши тушунаман, аммо нима ҳам қилардик. Қимматбаҳо буюмларға қизиқаман. Улар менға ёқади. Мана бу узук тошларига қара, худди ҳажқийдек жилланади.

У бора-бора моддий жиҳатдан ҳам қийналиб бировлардан қарз олишға ўтди. Эртдан кечгача пул топиш илиққиде елиб-югурарди. Кунлардан бир кун чўнтағида сарик чақа ҳам қолмагач, ўзига келиб ўйланиб қолди. Маошгача яна бир ҳафта бор. Бирор нарсани сотсаммикин, дея режа туза бош-

ди. Қисиниб-қимтиниб сўради: — Тақсир, мен сиздан.. шу маржонни.. қанчаға баҳолаш мумкинлигини билмоқчи эдим.

додираб деди Лантэн. Дўкончи бунга бошқача тушуниб қўшимча қилди: — Истасангиз бошқа жойларға ҳам кўрсатинг. Балки қимматроқ олишар. Бўлмаса қайтиб келинг, ўзим олам.

У ҳар-хил ўйларға берилганча кўча муолишидаги бошқа дўконға бош сўқди. Заргар маржонни кўриши билан ҳаяжонланиб қичқириб юборди: — Э-э, бу нарса менға жуда таниш, уни айнан шу дўкондан сотиб олишган.

— Марҳаматли зот, мен нафақаға кетаяпман, бутунлай. Энди уч-юз минг франк мероста эгаман.

У хизматдошлари билан хайрлашиб, тўғри Англия қаҳвахонасига йўл олди. Роса еб-ичди.

Унга умрида биринчи бор театр зерикари тулолмади. Тўғри эса суқоққ авллар билан ўтказди.

Орадан ярим йил ўтган, қайта ўйланди. Иккинчи хотини хийла эдиру бўлса-да, инжиқ эди. У Лантэнни буткул "соғиб" тинқасини қуритди.

Лантэн шойиб сўради: — Баҳоси қанча? — Очиги, уни йигирма беш мингға соттаман. Энди унинг учун сизға ўн саккиз минг беришим мумкин. — Мен уни неғадир доим қалбаки маржон ҳисоблаб келганман, адашмайсанми, мабодо?

Аллақандай дафтарни ва-

рақлагач, дўкончи деди: — Тўғри, маржон Лантэн хотини номиға олишган. Мучеников кўчаси, 16 ўй. Сиз маржонни бир кунға қолдириб кетаоласизми? Ҳозир тилхат ёзиб берман.

Лантэн тилхатни чўнтакка жойлаб кўчаға чиқди. У гап ни-мадалигини англашға уринан, ҳажжонлар эди. Хотинининг бундай қимматбаҳо нарсалар олишға имкони йўқ эди-ку? Демак, улар соваға қилинган. Ҳа, соваға.. Лекин кимдан, нима учун? Нахоти хотини.. ?

Эртасига заргарға бориши кераклиги эсига тушиб уятдан қизариб кетди ва айни пайтда маржонни дўконда ҳам қолдира олмасди. Заргар белгиланган ўн саккиз минг франкни бергач, Лантэн бошқа яна шундай қимматбаҳо тақинчоқларни олиб келсам олаксини, деб сўради. Эртасига эса бари зеби-зийнатлар 196 минг франкка баҳоланди.

Лантэн идораға бориб тўғри бошлиқнинг ҳўзуриға кирди ва деди:

— Марҳаматли зот, мен нафақаға кетаяпман, бутунлай. Энди уч-юз минг франк мероста эгаман.

У хизматдошлари билан хайрлашиб, тўғри Англия қаҳвахонасига йўл олди. Роса еб-ичди.

Унга умрида биринчи бор театр зерикари тулолмади. Тўғри эса суқоққ авллар билан ўтказди.

Орадан ярим йил ўтган, қайта ўйланди. Иккинчи хотини хийла эдиру бўлса-да, инжиқ эди. У Лантэнни буткул "соғиб" тинқасини қуритди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбаров, О. Қашбергенов, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма I — 0066, 22389 нускада босилди,
ҳажми — 2 габак. Объет ҳузида босилган.
Қоғоз бичими А-3

Газета ИМ компьютерда тиради ва оператор
Жамшед ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қозалдан зийда
материаллар қабул қилинмайди.
□ — Тижорат материал

● МАНЗИЛИНИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Набатчи — Х. Каримов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишға тошпирин вақти — 21.00

Тошпирлиди — 21.30 | 3456